

“инновация” ҳам “инновациялық ҳарекет” ке төмендегише анықлама берилген: “инновация – пукаралық қатнасықларға киргизилген ямаса жеке мүтәжликлер ушын пайдаланатуғын, қолланыуы турмыста үлкен социал-экономикалық нәтижеге ерисіуді тәмийинлейтуғын таза дәретпе”, “инновациялық ҳарекет – таза дәретпелерди шөлкестиріу, сондай-ақ өндиристе олардың қолланыуы ҳам иске асырылыуын тәмийинлеу ҳарекети” деп, тәрийип берилген. [1]. 1930-жыллары Й. Шумпетер тәрәпинен инновация түсиниги енгизилди ҳам ол өнимди өндириу, сатыу, жеткерип беріу процесслериндеги таза ямаса жетилистирилген техникалық, технологиялық, шөлкестиріушилиқ характердеги қарарларды қолланыу нәтижесинде пайда болатуғын өзгерислерди билдирер еди. [5] Илим-пән ҳам техниканың жетискенликлерин кең қоллаған түрде, экономикалық тармақларға, социаллық ҳам басқа да тарауларға. заманагөй инновациялық технологияларды тез пәт пенен енгизиу, Өзбекстан Республикасының жедел раўажланыуының әҳмийетли шәрти болып есапланады. Бул тараўда, Өзбекстан Республикасының “Илим-пән ҳам илимий ҳарекет ҳақында” ғы Нызамы (29.10.2019 ж. N ЎРҚ-576) қабыл етилген болып, ол илим-пән ҳам илимий ҳарекет тараўындағы қатнасықларды тәртипке салыудан ибарат. Нызам тиккелей илимий тараўда изертлеу жүргизип атырған субьктлерге, инновациялық ҳарекет тийкарында, илим-пәнди раўажландырыуға бағдарланғанлығы менен үлкен әмийетке ийе. оның “Илим-пән ҳам технологияларды раўажландырыудың тийкаргы бағдарлары” деп аталған 19-бабында “Илим-пән ҳам технологияларды раўажландырыудың тийкаргы бағдарлары, миллий экономиканың бәсекеге шыдамлылығы ҳам де нәтижелигине ерисіу, мийнет өнимдарлығын жоқарылатыу, таза тармақларды ашыу, халықтың турмыс дәрежеси, илим-пән ҳам билимлендириу системасының сапасын асырыу менен байланыслы машқалалардың илимий шешимин тәмийинлеу мақсетинде ислеп шығылады” деп белгилеп берилген. [2]

Бул өз гезегинде, инновациялық ҳарекетти иске асырыуға имкан береді. Инновациялық өзгерислердин көпшилиги турмысымызға санаат товарлары менен кирип келеди ҳам жасау жағдайымызды жақсылауға, жеңиллестиріуға қаратылған. Мысал ушын, электрон-нурлы телевизор ҳам мониторлерден суйық кристаллы экранларға өтиу. Уялы байланыс қуралларының кирип келиуі, инновациялық жаңалыққа мысал болады. Улыўма алғанда, қарыйдарлардың қызығыуына себепши болатуғын барлық товарлар, инновацияға мысал бола алады. Яғный, санлы фотоаппаратлар, видеокамералар ҳам басқа да көплеген товарлардың тийкарында инновациялық жаңалықлар турады.

Өзбекстанда инновацияларға “жасыл шырақ” жағылды. Инновациялардың пайда болыуы - узақ жыллар даўамында иске асырылған жүдә машақатлы мийнеттиң нәтижеси. Бирақ, инновацияларды жаратыуға қарағанда, оны енгизиу қыйын мәселе болып есапланады. Президент Шавкат Мирзиёев Өзбекстанда инновацияларға “жасыл шырақ” ты енгизиу мақсетинде, “Өзбекстан Республикасы Инновациялық раўажланыу министрлигин шөлкестиріу ҳақында” ғы Пәрманға қол қойды.

Таза министрликтиң ўазыйпалары, мәмлекетте илимий-изертлеу ҳам инновациялық ҳарекеттиң жетискенликлерин үгит-нәсиятлау, бул тараўда нәтижели механизмлерди ислеп шығыу, илимий-экспериментал қәнийгелескен лабораториялар, жоқары технологиялық орайлар, технопарклер ҳам басқа да инновациялық структураларды бекемлеуден ибарат.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 2.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 23.09.2020 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 4.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.2022.,
3. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М., Директ-Медиа, 2007. 4.

Аннотация: мақалада инновация ҳам инновациялық ҳарекеттиң мазмуну ҳам әҳмийети, оларға берилген шет еллик ҳам Өзбекстанлы алымлар тәрәпинен берилген анықламалар келтирилген. Сондай-ақ, “Инновациялық ҳарекет ҳақында”, “Билимлендириу ҳақында” ҳамде “Илим-пән ҳам илимий ҳарекет ҳақында”ғы Нызамлар “Инновация” ҳам “Инновациялық ҳарекет” ке берилген түсиниклер, көз-караслар бойынша пикирлер баян етилген.

Таяныш сөзлер: инновация, инновациялық ҳарекет, инновациялық процесслер, билимлер экономикасы, санлы экономика, кәсиплик инновациялық ҳарекет.

Abstract: this article is focused on the meaning and content of innovation and innovative activity and the descriptions given to them by Uzbek scientists and scientists from foreign countries. Besides that the article comprises different opinions and approaches on the descriptions, attitudes articles given to “Innovation” and “Innovative activity” in the framework of the laws on “Innovative activity”, “Education” and “Science and scientific activity”.

Keywords: innovation, innovative activity, innovative processes, economy of knowledge, digital economy, professional innovative activity.

УДК 336.02

СОЛИҚ СОЛИШНИНГ КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Қудияров К. Р.

Қорақалтоқ давлат университети

1. Кириш. Барчага маълумки, корхоналарнинг молиявий барқарорлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва шу билан бирга, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим рол ўйнайди. Бизнес юритишдан максимал самарага эришиш учун тадқиқ қилиниши ва қўлланилиши зарур ҳисобланадиган бозор иқтисодиётининг объектив реаллиги иқтисодий муносабатларнинг тегишли гуруҳлари бўлган ишлаб чиқариш,

маркетинг, молиявий менежмент томонидан шакллантирилади. Молиявий менежментнинг доираси - бу амалга оширилаётган стратегия билан таъсир кўрсатувчи турли инструментлар ва усуллардан фойдаланган ҳолда таъсир кўрсатадиган молиявий муносабатлар ва молиявий ресурслардир. Молиявий муносабатлар солиқ муносабатлари билан узвий боғлиқ бўлганидек ва солиқ тўловлари кўп жиҳатдан компанияларнинг молиявий ресурсларини белгилайди, солиқ стратегияси ҳам молиявий муносабатларнинг бир қисмидир (Конончук, 2023).

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ёки трансмиллий корпорацияларнинг молиявий менежерлари бошқарувидаги компаниянинг бозор қийматини максимал даражада оширишга интилиб, ўз компанияларининг солиқ мажбуриятларини оптималлаштиришга ҳаракат қилишади. Тадбиркорлик субъектларининг ташкилий тузилиши, фаолият тури, жойлашуви ва операцияларни амалга ошириш муддати билан боғлиқ солиқ солишининг жиҳатлари молиявий қарорлар бошқарув мақсадларида эмас, балки солиқ мақсадларида қабул қилиниши боғлиқ рискни оширишга олиб келади. Бу айниқса, трансмиллий компанияларда ўз аксини аниқ намоён бўлади (Princen, 2012). Компания бозор қийматини максималлаштириш молиявий менежментнинг асосий тамойили бўлса-да, солиқни режалаштириш стратегияларидан фойдаланиш компаниянинг молиявий ва инвестиция қарорларига салбий таъсир кўрсатади. Солиқ тўловлари компаниялар молиявий оқимларининг сезиларли қисмини ташкил қилади.

2. Адабиётлар шарҳи. Солиқларни оптималлаштиришда солиқ йўқотишларини минималлаштириш ва жарималарни қўлланилмаслигига йўл қўймаслик назарда тутилади. Бугунги кунда бозорда таклиф этилаётган солиқларни оптималлаштириш чизмаларининг аксарияти дастлаб фақат солиқларни минималлаштиришга қаратилган ва шунинг учун солиқ тўлашдан бўйин товлаш деб ҳисобланиши мумкин. Бироқ, ҳатто виждонли солиқ тўловчилар ҳам юқори рақобат шароитида солиқларни минималлаштириш схемаларидан фойдаланишга мажбур бўлишади, акс ҳолда улар шунчаки банкрот бўлишади (Киров, 2009). Кировнинг (2009) фикрича, оптималлаштиришнинг мақсади солиқларни камайтириш эмас, балки солиқ тўловларини тўлашдан кейин тадбиркорлик субъектининг даромадларини ошириш, яъни компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўлиши керак. Чунки, баъзи солиқларни минималлаштириш оқибатида бошқа солиқларнинг кўпайишига ва кейинчалик солиқ органлари томонидан солиқ жарималарига олиб келиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, жарималар солиқни минималлаштиришнинг режалаштирилган самарасидан ортиб кетишига олиб келади.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги даромадларнинг харажатлардан барқарор ошиб кетишининг англатиб, бу ўз навбатида, корхона маблағларининг эркин ҳаракатланишини таъминлайди ва улардан самарали фойдаланиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг узлуксиз жараёнига ёрдам беради. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, корхонанинг молиявий барқарорлиги - бу унинг молиявий ресурслари, уларни тақсимлаш ва ишлатиш ҳолати бўлиб, улар фойда ва капиталнинг ўсиши асосида компаниянинг ривожланишини таъминлайди, шу билан бирга тўлов қобилияти ва кредитга лаёқатлилигини мақбул риск даражасида сақлайди. Шунинг учун, молиявий барқарорлик барча ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти жараёнида шаклланади ва корхонанинг умумий барқарорлигининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Муайян даврга корхонанинг молиявий ахволининг барқарорлигини таҳлил қилиш натижасида тегишли даврда корхона молиявий ресурсларни қанчалик тўғри бошқарганлиги ҳақидаги саволга тўлақонли жавоб бериш имконияти мавжуд бўлади (Абрютина, Грачев, 2001).

Мамлакатларнинг миллий солиқ қонунчилигидаги ўртасидаги фарқлар халқаро гуруҳнинг молиявий бошқарувини мураккаблаштиради ва юқори даражадаги солиқ юкини юзага келишига сабаб бўлади. Компания харажатларининг мувофиқлик талаби муҳимлардан бири ҳисобланади, чунки компания олинган даромаднинг тури ёки ҳажмидан қатъи назар, у фаолият юритаётган ҳар бир мамлакатнинг солиқ қоидаларига риоя қилиши талаб қилинади. Харажатларнинг мувофиқлиги бўйича турли хил тартиб-қоидалари ва солиқ қонунчиликларига риоя қилган ҳолда, трансчегаравий фаолият билан шуғулланувчи компаниялар зиммасига катта миқдордаги маъмурий юк тушади, айниқса солиқларнинг тез-тез ўзгариши сабабли (Princen, 2012). Икки томонлама солиққа тортиш бўйича шартномаларнинг муҳим тармоғи мавжуд бўлса-да, икки томонлама солиққа тортиш ҳолатлари кенг тарқалган бўлиб қолмоқда, бу айниқса трансферт нархлар ҳисоб-китоблари ва халқаро гуруҳларнинг қайта тузилиши билан боғлиқ. Гуруҳнинг бир корхонаси томонидан бошқасига сотиладиган товарлар “қўл узунлиги” принцигига (‘arm’s length’ principle) мувофиқ баҳоланиши керак. Ушбу тамойил ўзаро боғлиқ бўлган компаниялардан мустақил томонлар каби ҳаракат қилишларини ва ўзларининг гуруҳ ичидаги ўтказмалари учун бозор нархларидан фойдаланишларини талаб қилади. Чунки, трансферт баҳоси ТМКнинг солиқ базасини иштирокчи давлатлар ўртасида тақсимланишини белгилаб берганлиги сабабли, у миллий солиқ органлари томонидан қаттиқ назоратга олинади. Бироқ, бундай назоратдан келиб чиқадиган нархларнинг ўзгаришини бошқа солиқ юрисдикцияларида нархларнинг тегишли тузатишлари билан қоплаб бўлмайди, бу эса айрим гуруҳ ичидаги операцияларга икки томонлама солиқ солишга олиб келади. Трансчегаравий қайта ташкил этиш ва хусусан, капиталнинг ўсишига олиб келадиган активларни ўтказиш билан боғлиқ муаммолар ҳам икки томонлама солиққа тортиш рискни юзага келтиради, чунки солиқ ҳуқуқлари бир хилда тартибга солинмаган (Princen, 2012). Айниқса, G-20 га кирувчи мамлакатларда агрессив солиқни режалаштириш ва трансмиллий компаниялар (ТМК) доирасида даромаднинг юқори солиқ юрисдикцияларидан паст солиқ юрисдикциялари бўлган мамлакатларга ўтказиш орқали солиқ базасининг эрозияси кун тартибидаги муҳим масалалардан бирига айланган. OECD томонидан даромаднинг паст солиқ юрисдикциялари бўлган мамлакатларга ўтказиш оқибатида йўқотилган солиқ тушумларининг миқдори дунё бўйича тахмин \$100 млрд.дан \$240 млрд.гача ёки глобал корпоратив фойда солиғи бўйича йиллик тушумларнинг 4% дан 10%гача баҳоланган (Chronopoulos ва

бошқалар, 2018). Илмий адабиётларга асосан солиқларнинг ТМКларнинг фойдасини ўтказишга таъсири 2 та йўл билан амалга оширилади: биринчиси, ТМК хориждаги филиалларининг капитал структурасини ўзгартириш орқали (бунда юқори солиқ юрисдикциялари бўлган мамлакатлардаги хорижий филиалларнинг қарзлар ҳисобига молиялаштириш, паст солиқ ставкалари бўлган мамлакатларда эса ўз капитали ҳисобига молиялаштириш); иккинчиси, трансчегаравий ва ички хизматлар учун қўлланиладиган трансферт нархлар билан (товар ва хизматларга юқори солиқлар мавжуд бўлган мамлакатлардаги филиалларга нархларни пасайтириш) боғлиқ.

Бундан ташқари, трансчегаравий йўқотишлар учун компенсациянинг йўқлиги солиққа тортишнинг ортиқча баҳоланишига олиб келади, чунки гуруҳнинг бир корхонасининг йўқотишлари қўпинча хорижий гуруҳ корхонасининг фойдасига қопланиши мумкин эмас. Бинобарин, зарар ва даромад эга бўлган халқаро гуруҳ корхоналарига иқтисодий бирлик сифатида эмас, балки юридик жиҳатдан мустақил шахс сифатида солиққа тортилади. Солиқдан келиб чиқадиган фойда ўзгаришини камайтириш йўли сифатида ва бошқалар солиқ консолидациясининг халқаро тизимини жорий қилишни таклиф қилишган (Summers, 1988; Bucks, 1993; Mintz, 2004). Молиявий консолидацияга келсак, солиқ консолидацияси компаниянинг юридик шахсларини эмас, балки иқтисодий реалликни солиққа тортишга қаратилган. Шундай қилиб, гуруҳ субъектлари ўзларининг солиқ базасини гуруҳ ичидаги дивидендлар, роялтилар ва гуруҳ ичидаги бошқа даромад оқимларининг тўловлари ҳисобга олмаган ҳолда ҳисоблаб чиқишлари лозим.

3. Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида солиқ солишнинг корхоналар молиявий ҳолатига таъсирини баҳолаш мазкур йўналишдаги илмий адабиётлар, назарий ва эмпирик тадқиқотларнинг натижалари ҳамда статистик маълумотлар асосида амалга оширилган. Тадқиқотда илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил қилиш, тасвирий статистик усуллари билан фойдаланилган.

4. Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Корпоратив солиқ тизимида солиқ солинадиган базадан хусусий капитал бўйича эмас, қарзлар бўйича фоизлар чегириб ташланиши қарзли молиялаштириш учун солиқ имтиёзларини тақдим этилишини англатади. Бу, эса ўз навбатида, молиявий ва номолиявий компаниялар учун янада юқори даражадаги леверажга олиб келади (Claessens ва бошқалар, 2010). Бу солиқ оғишининг ўз-ўзидан сўнгги молиявий инқирозга олиб келмаслиги аниқ бўлса-да, бироқ молиявий институтларнинг ҳаддан ташқари кўп қарз маблағларидан фойдаланиши инқирозга ҳисса қўшган асосий муаммолар сифатида кўрсатиб ўтилган. Корпоратив солиқ солиш режимидаги хусусий капитал ва қарзли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациясини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида, дунёдаги кўпгина мамлакатларда капиталлашувнинг етишмаслигига қарши қоидалар ва корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмаси (ACE) қўлланилмоқда. Масалан, ACE компанияларга капитали бўйича шартли фоиз ставкаларида солиқ чегирмаларини амалга ошириш имкониятини беради. Идеал ҳолатда бу қоидалар хусусий капитал ва қарзли молиялаштириш ўртасидаги танловда компанияларнинг бефарқ бўлишига олиб келиши лозим. Австрия, Бельгия, Бразилия, Хорватия, Италия каби бир қатор мамлакатларда ACE қоидалари жорий қилинган (1-жадвал).

1-жадвал. Корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмаси (ACE) тизими билан ишлаш тажрибаси

Мамлакатлар	База	Ставка
Австрия 2000-2004	Капитал баланс қийматининг ўсган қисми.	Иккиламчи бозордаги давлат облигациялари бўйича ўртача фоизга 0,8 пункт қўшилган. Изоҳ: шартли даромадлилик 34 % ўрнига 25 %да солиққа тортилади.
Бельгия 2006	2017 йилгача капиталнинг тўлиқ баланс қиймати. 2018 йилдан 5 йил ичида қўшимча ўсган капитал базасининг 1/5 қисми улуши.	Икки йил аввалги давлат облигациялари бўйича ўртача ойлик фоиз ставкаси. Фоиз ставкасининг чегараси 6,5%. Йиллик ўзгаришлар 1% пункт чегарасида. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ставкаси 0,5% пунктдан юқори. Изоҳ: 2013 йилдан фойдаланилмаган резервлар ўтказилмайди, йирик фирмаларнинг дивидендлари тақсимотида солиқ жорий қилинган
Бразилия 1996	Капитал баланс қиймати; фақат тақсимланадиган фойда учун (ёпиқ компаниялар ва кредит эгалари учун).	Узоқ муддатли кредитларга нисбатан қўлланиладиган фоиз ставкалари. Изоҳ: корпоратив даромад солиғи базасидан чегирилиб, фоиз сифатида солиқ солинади.
Хорватия	Капиталнинг баланс қиймати.	Капитал баланс қийматининг 5% га саноатдаги товарлар бўйича инфляция даражаси қўшилган.
Италия	Капитал баланс қийматининг ўсган қисми. 2000 йилда 120% янги капиталдан. 2001 йилдан 140%. 2002 йилдан яна 100%.	1997-2000 йилларда 7%. 2001-2003 йилларда 6%. Изоҳ: 37 фоиз ўрнига 19 фоизда солиққа тортилади
	Қўшимча капитал (2010 йил учун).	2011-2013 йилларда 3 фоизда; 2014 йилда 4 фоизда; 2015 йилда 4,5 фоизда; 2016 йилда 4,75 фоизда; 2017 йилдан Молия вазирлиги томонидан белгиланган ўртача давлат қарзига риск омиллари қўшилган. Изоҳ: 2018 йилдан кейин Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари томонидан ҳар йилда белгиланадиган шартли фоиз ставкасида.
Латвия	2008 йилдан тақсимланмаган фойда.	Номолиявий корхоналарга берилган кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси. 2010 йилда 5,05%. 2011 йилда 4,37%.

Лихтенштейн	Ўзгартирилган капитал.	Бозор ривожланишига асосланган (ҳозирда 4%).
Португалия	2014 йилдан кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг қўшимча капитали. Чеклов 2,000,000 евро.	2008-2013 й. 3 фоиз; 2014-2016 й. 5 фоиз. 2017 йилдан 7 фоиз.
Кипр	Қўшимча капитал: чиқарилган акция, тўлиқ тўланган эмиссион даромад.	10 йиллик давлат облигация даромади, агар юқори бўлса, мамлакатда капитал инвестициясидан олинadиган даромадга 3 пункт қўшилади.
Туркия	Ўсган нақд пулдаги капитал.	Банк кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларининг 50 фоиз. Изоҳ: Юқори пассив даромадлари фирмалардан ташқари (молиявий активлар, филиаллар).
Мальта	Устав капитали, шу жумладан; эмиссион даромад, фоизсиз қарзлар, тақсимланмаган фойда ва резерв улуши.	20 йиллик ҳукумат облигацияларининг даромади даражасига 5 пункт қўшилган. Изоҳ: Солиққа тортиладиган даромаднинг 90 фоизи миқдорида чеклов.

Манба: Klemm (2018). IMF Working Paper 2018 International Monetary Fund

Олиб борилган илмий тадқиқотларда корпоратив фойда солиғи ва левераж ўртасида ўзаро боғлиқлик банкларнинг молиявий қарорларида солиқ бузилишларини келтириб чиқариши кўрсатиб ўтилган. Корпоратив солиқ тизимидаги қарзли молиялаштиришга боғлиқлик ва корхоналар барқарорлиги ўртасидаги ўзаро алоқадорлик аниқланган (Luo and Tanna, 2014; de Mooij & Keen, 2016). Янада юқори фойда солиғи ставкалари банкларнинг кредит рисклари ва тўловга қобилиятсизлик рисклари билан боғлиқ бўлиб, назорат ваколатлари, капиталга қатъий талаблар ва банк фаолиятига чекловлар маълум даражада банк рискига таъсирини қисман юмшатиши аниқланган. Шу билан бирга, Schepens, Bond, Ricotti ва бошқаларнинг (2016) таъкидлашича, фойда солиғи ставкасининг пасайиши банкларнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир этади. Жумладан, Schepensнинг (2016) фикрича, капиталга солиқ имтиёзлари банкларнинг барқарорлигига сезиларли ижобий таъсирга эга бўлиб, корпоратив солиқ тизимидаги қарз ва хусусий капитал ўртасидаги дискриминациянинг бартараф этилиши молия муассасаларининг капиталлашувининг ўсишига олиб келади. Шундай қилиб, корпоратив солиқ солишда қарз молиялаштириш бўйича солиқ имтиёзларининг бекор қилиш ёки жорий этилиши орқали корхоналар капиталини тартибга солишга ҳисса қўшиш мумкин.

Amadeus маълумотлар базаси (Bureau van Dijk) Европанинг 41 давлатидаги давлат ва хусусий компанияларнинг баланслари ва даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиб, Princen томонидан 2001-2007 йилларда камида бир йил фаолият юритган Белгиянинг оқава сувларни тозалаш компаниялари ва Франциянинг бошқарув компаниялари танланиб ва компания маълумотларининг баланслашмаган панел маълумотлари асосида компанияларнинг капитал структурасига солиқларнинг таъсири эмпирик таҳлил қилинган (2-жадвал).

2-жадвал. Компаниянинг капитал таркибига солиқ солишнинг таъсири

Dependent variable	Full Sample	SMEs	Large companies
	(1)	(2)	(3)
Country	0.076*** (0.004)	0.092*** (0.003)	0.149*** (0.010)
Time	0.034*** (0.002)	0.029*** (0.002)	0.017*** (0.004)
ACE (-)	-0.071*** (0.004)	-0.048*** (0.003)	-0.051*** (0.009)
Tangibility (+)	-0.075*** (0.012)	0.248*** (0.010)	0.088*** (0.026)
Profitability (-)	-0.209*** (0.024)	-0.143*** (0.018)	-0.263*** (0.029)
Firm Size (+)	-0.009*** (0.001)	-0.001 (0.002)	0.017*** (0.005)
Industry Dummies	Yes	Yes	Yes
N	86,931	70,871	16,072
R ²	0.0986	0.1096	0.1696

Манба: Princen, 2012

Таҳлилда солиқ ислоҳоти натижасида қарз ва хусусий капитал коэффциенти нисбатининг ўзгариши АСЕ ёрдамида аниқланади, агар компания солиқ ислоҳоти амалга оширилган мамлакатда жойлашган бўлса ва агар таҳлил солиқ ислоҳотидан кейин амалга оширилган бўлса 1га, акс ҳолда нолга тенг бўлади. Базавий регрессияда АСЕ_{0,071} нинг тахминий салбий коэффциентига эга ва 1% даражасида муҳим аҳамиятга эгалиги аниқланган. Ушбу эмпирик таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, хусусий капитал ва қарз капитали нисбатан бир хил солиқ режимини қўллаш компанияларнинг қарз тахминан 7% га камайтиришига олиб келиши мумкин. Корпоратив солиқ тизимидаги хусусий капитал ва қарзли молиялаштириш ўртасидаги солиқ дискриминациясини камайтиришда корпоратив хусусий капитал учун тўловларга солиқ чегирмалари назарда тутилган тизимни жорий этиш, қарз жалб қилишни сезиларли даражада камайишига олиб келади ва бу иқтисодий жиҳатдан леверажнинг 2-7%га қисқаришини англатади. Амалга оширилган эмпирик таҳлиллардан

олинган натижалар солиқ солиш корхоналарнинг молиялаштириш бўйича қарорларига таъсир ўтказишини тасдиқлайди.

5.Хулоса ва таклифлар. Солиқ солишнинг узоқ муддатли таъсири ёки бошқа тартибга солувчи ўзгаришлар билан ўзаро таъсири асосида илмий асосланмаган турли хилдаги янги солиқ схемалари ишлаб чиқиш ва жорий этиш мумкин эмас. Келажакда янги солиқларни жорий этишда солиқ сиёсатидаги асосий мақсад тўлиқ маълумотларга эга бўлишлари учун кўпроқ илмий тадқиқотлар базасини яратишдан иборат.

Янги солиқ схемаларини жорий этиш билан бирга, солиқларнинг корхоналар хулқ-атворларига таъсирини ўрганиш юзасидан кўплаб назарий ва эмпирик тадқиқотлар мавжуд. Бироқ, солиқ сиёсатини ишлаб чиқувчиларга янги солиқ схемаларини жорий этиш бўйича амалий тавсиялар берилишига, мазкур солиқ схемаларининг корхоналар хулқ-атворида таъсирлари бўйича кенг қўламдаги тадқиқотлар нисбатан камлиги тўқсизлик қилиши мумкин. Янги солиқ схемалари жорий қилинганлигининг қисқа даврини ҳисобга оладиган бўлсак, солиқларнинг узоқ муддатли ва кенгроқ ижтимоий оқибатларини баҳолаш ҳамда бу солиқларнинг келажакдаги таъсири қандай бўлишини ишончли прогноз қилиш қийин масала ҳисобланади.

Трансчегаравий дивидендлар бўйича солиқ имтиёзлари сифатида кредит усулидан фойдаланиш молиявий жиҳатдан самарали ечимга олиб келади ва юқори солиқлар бўлган мамлакатдан паст солиқли мамлакатларга фойдани ўтказиш билан боғлиқ рағбатларни самарасини пасайтиришга олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Princen Savina, 2012. Determining the impact of taxation on corporate financial decision-making. <https://www.cairn.info/revue-reflets-et-perspectives-de-la-vie-economique>.
2. Конончук И.А., 2023. Взаимосвязь и взаимообусловленность финансовой и налоговой стратегии. <https://rep.polessu.by/bitstream/123456789/29972/1/Vzaimosviaz.pdf>.
3. Киров А. В., 2009. Влияние налогового планирования на обеспечение финансовой устойчивости предприятия. <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-nalogovogo-planirovaniya-na-obespechenie-finansovoy-ustoychivosti-predpriyatiya-1>
4. Абрютин М. С., Грачев А. В., 2001. Анализ финансово-экономической деятельности предприятия. <https://altairbook.com/books/938320-analiz-finansovo-ekonomicheskoy-deyatelnosti-predpriyatiya.html>.
5. Chronopoulos Dimitris K. & Sobiech Anna L. & Wilson John O.S., 2018. Future Issues in Bank Taxation. <https://www.fca.org.uk/publication>.
6. Claessens S., Keen M., Pazarbasioglu C., 2010. Financial Sector Taxation: The IMF's Report to the G-20 and Background Material. September.
7. de Mooij R. A. & Keen M., 2016. Debt, taxes, and banks. Journal of Money, Credit and Banking, 48(1), 5-33.
8. Yun Luo1 and Sailesh Tanna, 2014. Taxation and Bank Risk-Taking. <https://www.researchgate.net/publication>.
9. Schepens G. (2016). Taxes and bank capital structure. Journal of Financial Economics, 120(3), 585-600.
10. Bond S., Ham K., Maffini G., Nobili A., Ricotti G. (2016). Regulation, tax and capital structure: evidence from administrative data on Italian banks, Questioni di Economia e Finanza, 361.
11. Ricotti G., Burroni M., V. Cuciniello, E. Padovani & E. Pisano & S. Zotteri (2016). "The tax burden on banks over the period 2006-2014," Questioni di Economia e Finanza (Occasional Papers) 314, Bank of Italy, Economic Research and International Relations Area.

Солиқ солишнинг корхоналар молиявий ҳолатига таъсирини баҳолаш

Аннотация. Мақолада солиқ солишнинг корхонанинг молиявий ҳолатига таъсири билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Корпоратив солиқ солишнинг корхоналарнинг молиявий қарорларига таъсири ўрганилган. Корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмаси тизими таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган

Калит сўзлар: компания, корпоратив капитал, корпоратив хусусий капиталга солиқ чегирмаси, солиқ, корпоратив солиқ солиш

Оценка влияния налогообложения на финансовое состояние предприятий

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы, связанные с влиянием налогообложения на финансовое положение предприятия. Исследованы влияние корпоративного налогообложения в финансовые решения предприятий. Проведен анализ системы налоговый вычет на корпоративный капитал (ACE) и сделаны соответствующие выводы.

Ключевые слова: компания, корпоративный капитал, налоговый вычет на корпоративный капитал, налог, корпоративное налогообложение.

Assessment of the impact of taxation on the financial condition of enterprises

Abstract. The article considers the issues related to the impact of taxation on the financial position of the enterprise. The influence of corporate taxation in financial decisions of enterprises is investigated. The system of tax deduction on corporate capital (ACE) is analysed and conclusions are drawn.

Keywords: company, corporate equity, Allowance for Corporate Equity, tax, corporate taxation,

QISHLOQ XO'JALIGINING DAVLAT IQTISODIY XAVFSIZLIGIGA TA'SIRINI BELGILOVCHI OMILLAR

Bekmirzayev M.A.

Namangan muhandislik-texnologiya instituti dotsenti

Kirish. Jahon iqtisodiyotining globallashuvi sharoitida, davlatlarning siyosiy va ijtimoiy-iqtisodiy qaramligi ortib borayotgan bir sharoitda milliy iqtisodiyotning iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash nihoyatda muhim ahamiyatga ega. Bugungi kunda iqtisodiy xavfsizlikni ta'minlash siyosatining birlamchi vazifasi, eng avvalo, iqtisodiyotning barcha tarkibiy va funksional tarmoqlarida iqtisodiyotning barqaror rivojlanishiga hissa qo'shishga qodir bo'lgan xavfsiz muhitni yaratishdan iborat. Iqtisodiyot tarmoqlarini tashkil etuvchi iqtisodiy faoliyatning asosiy turlari, xususan, qishloq